

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил декабрь ойни 16 куни жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди, “Ялонғоч” МФЙ биносига, сайёр суд мажлисида;

Раислик қилувчи судья Б.Э.Каюмов;
судья ёрдамчиси С.Бешимовнинг котиблигида, Б.Абдураззақов таржимонлигида, тарафлардан давлат айбловчиси Мирзо Улубек туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Джалилов, судланувчи Х.Турсунова ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат Б.Сапаев, жабрланувчи Т.Закированинг иштирокида, Турсунова Хамида Каримкуловнага нисбатан 1-1001-2107/642-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Турсунова Хамида Каримкуловна (Tursunova Hamida Karimkulovna), 28.02.1990 йилда Тошкент вилоятида туғилган, қозоқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 2-микрорайон, 1-уй, 20-хонадонда яшовчи, айблов хулосаси нусхасини 08.11.2021 йилда олган, иш бўйича “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида ҳамда судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Турсунова Хамида Каримкуловна, ҳужжатлар, штамплар муҳрларни бланкларни тайёрлаш уларни қалбакилаштириш ва улардан фойдаланиш мақсадида ўзига олдиндан таниш бўлган фуқаролар Сатибалдиева Шахноза Акмаловна ва Таджибаев Меирбек Ержановичлар билан жиноий тил бириктириб, 2020 йил 15 октябрь куни таниши Ш.Сатибалдиева орқали фуқаро Закирова Танзиля Гайсаевнани номига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Гулсанам кўчасида жойлашган “Савдогар Банк” АТ Шайхонтоҳур филиалига қарашли “Кредит Маркет” дўконидан маиший техника воситаларини кредитга олиши учун, гўёки фуқаро Т.Закировани Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўстлик 46-уйда жойлашган “SARIQ OLTIN” МЧЖида, 2019 йил ноябрь ойидан 2020 йил сентябрь ойига қадар



ишлаб ойлик маош олиши ҳақида №24-сонли сохта маълумотнома тайёрлаб берган.

Судга оид хатшунослик экспертизасининг 05.08.2021 йилдаги 286-сонли хулосасига кўра, “SARIQ OLTIN” МЧЖ томонидан 15.10.2020 йилда фуқаро Закирова Танзиля Гайсаевнага ойлик маоши олиши ҳақида берган маълумотномасидаги М.Таджбаев номидан бажарилган “Руководитель” ва “Гл.Бухгалтер” графасидаги имзолар М.Таджбаев томонидан бажарилганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, Х.Турсунова, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил 15 октябрь кунда, Тошкент шаҳар, Улуғбек тумани, Гулсанам кўчасида жойлашган “Савдогар Банк” АТ Шайхонтохур филиалига қарашли “Кредит Маркет” дўконида бўла туриб, фуқаро Закирова Танзиля Гайсаевнанинг ишончига кириб, “Кредит Маркет” дўконидан жами 10.000.000 сўмлик яъни 1 дона 43 диагоналик “SAMSUNG” русумли телевизор, 1 дона кир ювиш машинкаси маиший техника буюмларини Т.Закирова номига олиб, маиший техника буюмларини сотиб пулларини ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборганлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Х.Турсунова ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2020 йил октябрь ойида унга пул керакли бўлганлиги сабабли яқин танишининг онаси Т.Закировани олдига бориб кредитга маиший техника буюмларини олиш учун шахсий кафил бўлишни илтимос қилганлигини, шунда Т.Закирова рози бўлганлигини, ва у Т.Закировани паспортини суратга олиб, таниши Ш.Сатиболдиевага ташлаб берганлигини ва Ш.Сатиболдиевадан ойлик маош олиши тўғрисида маълумотнома қилиб беришини илтимос қилганлигини, шундан сўнг бир неча кун ўтиб Ш.Сатибалдиева унга телефон қилиб Т.Закировани ойлик маош олиши ҳақидаги маълумотномаси тайёр бўлганлигини айтганлигини, шундан сўнг у А.Турсунова опаси билан Т.Закировани уйига бориб, уни олиб Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-1 мавзеда жойлашган “Савдогар Банк” филиалига тегишли бўлган “Кредит Маркет” дўконига келганида Ш.Сатибалдиева ҳам шу ерда уларни кутиб турганлигини ва Ш.Сатибалдиева қўлидаги хужжатларни унга берганлигини у эса Т.Закировага берганлигини, шундан сўнг Т.Закирова, А.Турсунова билан “Кредит Маркет” дўконига кириб кетишганлигини, шундан сўнг А.Турсунова ва Т.Закировалар “Кредит Маркет” дўконига кириб 43-диаганалли “SAMSUNG” телевизор ва “SAMSUNG” кир ювиш машинаси олиб чиқишганлигини, шундан сўнг у такси тўхтатиб маиший техника буюмларини уйга олиб кетганлигини ва мазкур маиший техника буюмларидан “SAMSUNG” русумли телевизорни яқин қариндошини тўйига совға қилиб юборганлигини, кир ювиш машинасини эса яқин танишидан қарзлари борлиги сабабли эвазига бериб юборганлигини, шундан сўнг Т.Закировани номига олинган маиший техника буюмларини беш ой давомида 2021 йил апрель ойига қадар тахминан 400.000 сўмдан тўлаб келганлигини, шундан сўнг онасини соғлиги ёмонлашганлиги сабабли



дори-дармонга кўп пул сарфлаб юборганлиги учун моддий шароити бўлмаганлиги сабабли кредитга олинган маиший техника буюмларини пулини ойма-ой тўлаб боролмаганлигини, шундан сўнг 2021 май ойини охирларида Т.Закирова уйига келганлигини ва кредитга олинган маиший техника буюмларини пулини тўламаганлиги сабабли уйига банкдан огоҳлантириш хати келганлигини айтганлигини, шунда мен унга кредитни тез кунларда тўлаб беришини айтганлигини, шундан сўнг оилавий шароити бўлмаганлиги сабабли тўлаб беролмаганлигини, маиший техника буюмларини чет эл давлатларига кўп маротаба чиқиши сабабли ўзини номига олмасдан Т.Закировани номига олганлигини, иш ҳақи олиши ҳақидаги маълумотномани унинг илтимоси бўйича таниши Ш.Сатибалдиева қилиб берганлигини, Т.Закирова ушбу маълумотнома сохта эканлиги ҳақида билганлигини, мазкур олинган буюмларни у ўз эҳтиёжларига ишлатганлигини, “Кредит маркет” дўконидан Т.Закировани номига олган маиший техника буюмларидан ҳеч қандай манфаатдор бўлмаганлигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, етказилган зарарни Т.Закирова қисқа муддат ичида қоплаб беришини, унга нисбатан енгилроқ жазо беришни сўраб, кўрсатма берди.

Суд мажлисида жабрланувчи сифатида сўроқ қилинган Т.Закирова ўз кўрсатмасида, Х.Турсунова қизи Т.Мирзалимованинг ўртоғи бўлишини, тахминан 2020 йил октябрь ойида Х.Турсунова келиб унга Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ мавзесида жойлашган дўкондан кредитга маиший техника буюмларини олиш учун шахсий кафил бўлишини сўраганлигини, шунда у рад жавобини бериб ҳеч қаерда ишламаслигини ва нафақа ҳам олмаслигини айтганлигини, шунда Х.Турсунова унинг паспорт нусхасини сўраганлигини бирор нима уйлаб топишини айтганлигини, шунда у Х.Турсуновага паспортини бериб юборганлигини, шундан кейин бир ҳафта ўтиб Х.Турсунова паспортини қайтариб олиб келганлигини, ҳаммасини ҳал қилганлигини ва бирор кун ТТЗ мавзесига бориши айтганлигини, шунда у Х.Турсунова айнан нимани ҳал қилганлигига қизиқмаганлигини ва Х.Турсунова машинадан тушмасдан паспортини бериб юборганлигини, шундан кейин 3-4 кун ўтиб Х.Турсунова опаси А.Турсунова билан келиб унга ТТЗ мавзесига бориб келишини айтганлигини, шунда йўлда кетаётганда А.Турсунова унга агарда ундан ким бўлиб ишлашини сўрашса А.Турсунова билан бир ишхонада ҳисобчи бўлиб ишлашини айтишини, шундан сўнг Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ мавзесида жойлашган маиший техника дўкони олдига келганлигини, у ерда Х.Турсунова ва кейинчалик унга шахси маълум бўлган Ш.Сатибалдиева билан учрашганлигини, шундан сўнг Ш.Сатибалдиева ва Х.Турсунова автомашинада қолганлигини ва у А.Турсунова билан маиший техника дўконига кирганлигини ва сотувчига маиший техника олишда, шахсий кафил бўлишимни айтганлигини ва ҳужжатларни топширганлигини ва дўкондан маиший техника буюмларини танлаганлигини, шундан сўнг “SAMSUNG” русумли 43-диагалли телевизор ва “SAMSUNG” русумли чангютгич олганлигини, дўкон ходими мазкур буюмларни



расмийлаштирганлигини ва у барча ҳужжатларга шахсий кафил бўляпман деб уйлаб ўқимасдан имзо қуйганлигини, шундан сўнг А.Турсунова дўкандан чиқиб такси чақириб маиший техника буюмларини юклаганлигини, ТТЗ мавзеси “Диадора” чорраҳасига келганда ортидан Ш.Сотиболдиева билан Х.Турсунова келиб, маиший техника буюмларини таксидан тушириб, Х.Турсунова ўзини машинасига ортганлигини, шундан кейин 2020 йил янги йил байрами олдидан уйига банк ходимлари келганлигини ва унга кредитга олинган маиший техника буюмларини пулини тўлашини айтганлигини, шундан сўнг у Х.Турсуновани қидирганлигини, ҳозирги кунда унга етказилган моддий зарар 11.445.000 сўм қопланмаганлигини, ушбу зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Р.Бобоев ўз кўрсатмасида, 2020 йил октябрь ойларида Т.Закирова “SARIQ OLTIN” МЧЖда ишлаб ойлик маоши олиши ҳақида маълумотномани тақдим қилиб Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Гулсанам кўчасида жойлашган “Савдогар Банк” АТБ “Наврўз” мини банкдан маиший техника воситаларини сотиб олиш учун кредит олганлигини, шундан кейин мазкур кредитга олинган маиший техника буюмлари кредит тўловлари ўз вақтида тўланмагандан сўнг Т.Закирова уч маротаба огоҳлантириш хатлари юборилганлиги ва Т.Закирова билан бир неча маротаба телефон орқали гаплашилганида у мазкур маиший техника буюмларини фақатгина ўзларини номига олганлигини, лекин ушбу буюмларини кейинчалик тергов жараёнида шахси унга маълум бўлган Ш.Сатиболдиевага берганлигини, шундан сўнг у Т.Закировага ИИБга мурожаат қилишини айтганлигини маълум қилиб, кўрсатма берди.

Тарафларнинг розилиги билан суд мажлисига етиб келмаган гувоҳ Ш.Сатибалдиева, М.Таджибаев ва А.Турсуноваларнинг дастлабки тергов органига берган кўрсатмалари ўқиб эшиттирилди, ушбу кўрсатмалар судланувчи Х.Турсунова томонидан тасдиқланди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчининг кўрсатувларини эшитиб, судланувчи Х.Турсунованинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувлари, “SARIQ OLTIN” МЧЖ номидан расмийлаштириб олинган 15.10.2020 йилдаги 24-сонли ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномалар билан; ўтказилган судга оид хатшунослик экспертизасининг 05.08.2021 йилдаги №286-сонли хулосаси билан; мазкур жиноят иши бўйича жабрланувчи ва Т.Закирова кўрсатувларини айбланувчи Х.Турсунова билан бўлиб ўтган юзлаштириш тергов ҳаракатлари билан ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган ва баҳоланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи Х.Турсунованинг ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органлари томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган, фирибгарлик, яъни алдаш ва



ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритишда ифодаланган ҳамда ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган, ҳужжатларни қалбакилаштириш, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ва муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаш ва расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ва ташкилотнинг қалбаки штампларни, муҳрлари, бланкаларини тайёрлашда ифодаланган жиноят белгиларга кўра тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Қайд этилган қарорлар мазмунидан келиб чиқиб, суд, судланувчи Х.Турсуновага нисбатан жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси қилмишнинг сабабларини, жиноятини ғараз ниятларда содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари деб ҳисоблаб, унинг оилавий ва моддий аҳволини, айбига тўлиқ иқрорлигини, енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятнинг хусусияти ва унга нисбатан қўлланиладиган жазо чораси айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклигини инобатга олиб, Х.Турсуновага модда санкцияси доирасида озодликдан чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи Х.Турсунова томонидан жабрланувчи Т.Закировага етказилган 11.445.000 сўм моддий зарарни ундиришни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, ЖПКнинг 211-моддасига асосан иш бўйича ашёвий далиллар тақдирини ҳал қилиб, иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган “Савдогар банк” маълумотнома ва 1 (бир) дона “DVD” дискни ашёвий далил сифатида иш ҳужжатларида сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ

Турсунова Хамида Каримкуловна (Tursunova Xamida Karimkulovna) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан унга 1 (бир) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан унга 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 3 (уч) йил 1 (бир) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Озодликни чеклаш жазоси Турсунова Хамида Каримкуловнанинг яшаш манзили Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 2-микрорайон, 1-уй, 20-хонадонда соат 22:00 дан 06:00 га қадар ўташ белгилансин.

Озодликни чеклаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларидан ҳисобга қуйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Турсунова Хамида Каримкуловнага ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг яшаш жойини ҳукмни ижросини назорат қилувчи орган рухсатсиз ўзгартирмаслик, муайян жойларда кафе, бар, оммавий тадбирларда иштирок этмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик ва спиртли ичимликлар сотиш жойларига бормаслик, жабрланувчига етказилган моддий зарарнинг қопланмай қолган қисмини 3 ой муддат ичида қоплаш мажбуриятлари юклатилсин.

Турсунова Хамида Каримкуловна жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)га риоя қилмаган тақдирда мазкур жазони ижросини назорат қилувчи ИИО ФМБ раҳбариятига тайинланган жазони оғирроқ жазога алмаштириш юзасидан тақдимнома билан судга мурожаат қилиш мажбуриятлари юклатилсин.

Турсунова Хамида Каримкуловнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 5 ва 6-қисмлари талаблари тушунтирилсин.

Жазони ижросини назорат қилиш Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри туман ИИО ФМБга юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач Турсунова Хамида Каримкуловнага қўлланилган шахсий кафилик эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи Х.Турсуновадан жабрланувчи Т.Закирова фойдасига 11.445.000 (ўн бир миллион тўрт юз қирқ беш минг) сўм моддий зарар ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, ашёвий далил “Савдогар банк” маълумотнома ва 1 (бир) дона “DVD” диск жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириши, ҳукм қонуний кучга киргач, апелляция тартибида кўрилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

/имзо/

Б.Э.Каюмов

Нусхаси аслига тўғри:

